
Миллий либос-миллат кўрки

Ҳар қандай миллатнинг ўзига ҳослигини кўрсатувчи қадрият ва тимсоллар, мезон ва манбалар мажмуида миллий либослар ҳам алоҳида ўрин тутади. Миллий либослар халқнинг узоқ асрлик ўтмиши, қадимий урф-одат ва анъаналари, диди эстетик қарашларини ўзида мужассам этади.

Миллий либосларимиз нафақат миллатимиз кўркини, балки маънавий мафкураларимизни ва дунё тамаддунида туган ўрнимизни ҳам намоён этади.

Шу боисдан ҳам республикамызда ҳар йили сентябр ойида миллий либосларимизни тарғиб этишга қаратилган “Хон атлас” фестивалини ўтказиш анъанага айланди.

Шу муносабат билан, бугун Қува туманидаги корхона, ташкилот ва таълим муассасаларида “Хонатлас-2023” “Xonatlas - 2023” фестивали доирасида маънавий-маърифий тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилди.

Ҳусусан Қува тумани касб-хунар мактаби, тиббиёт техникуми, умумтаълим мактабларининг ўқитувчи ва ўқувчилари, мактабгача таълим ташкилотларининг тарбиячи ва тарбияланувчилари иштирокида ўтказилган тадбирларда куйланган куй-қўшиқлар, ижро этилган саҳна кўринишлари, шеърлар, кўрик танловлар ва давра суҳбатлари иштирокчиларга бирдек манзур бўлди.

Фестивал доирасида пахта майдонларида меҳнат қилаётган теримчилар ҳам четта қолмади, хотин-қизлар фаоллари томонидан теримчиларга атлас матолари совға қилинди.

Бу каби тарғибот тадбирлари хотин-қизларнинг ҳамда ўқувчиларнинг миллий қадриятларга муҳаббат ва эътиборини ошириб, ватанпарварлик туйғуларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшади.

2023-09-28 19:57:36